

## **Аждодлар мероси маънавий тарбиянинг асоси**

А.Т. Қўлдашев СамДАҚИ

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати  
манбаи-халқимизнинг умуминсоний  
қадриятга содиқлигидир.

**И.А.Каримов**

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган улкан, бебаҳо маънавий ва маъданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа бўлиб қолди. Амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад мамлакатнинг озодлигини, ободлигини ҳар томонлама таъминлаш, шунингдек эркин ва фаровон жамиятни барпо этишдан иборатдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Халқимиз таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланишимиз лозим»<sup>1</sup>. Зеро, аждодларимиз томонидан яратилган асарларда халқимизга хос бўлган инсоннинг ахлоқий-рухий камолот масаласи етакчи ўрин тутади. Маънавиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган мезонлардан бири бу аждодлардан қолган маънавий меросдир. Маданий мерос инсоният пайдо бўлганидан бошлаб шаклланган ва асрлар ўтиши билан такомиллашиб борган. Буни биз аждодларимиздан қолган тарихий маълумотлар, этнографик, археологик манбалардан яққол кўришимиз мумкин. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат тарихий тараққиёти даврида ўзининг маданий меросини яратади ва шу халқнинг маданий меросига боқиб унинг аждодлари, ўтмиш ҳаёти ҳақида ҳукм чиқарилади. Халқнинг маданий мероси қандай даражада

---

<sup>1</sup>И.А.Каримов. Буюк мақсад юлидан оғишмайлик. Т., «Ўзбекитон».

2 А.Эркаев. Маънавият ва иқтисод. Т., «Маънавият» 2009.

бўлса, ўша халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳам, яшаб ўтган инсонларининг турмуш тарзи ҳам шундай бўлади. Маънавиятнинг моҳияти ва ўзига хос томонлари ҳақида сўз кетганда шуни айтиш жоиски, бу соҳада илмий изланишлар, асосан мустақилликка эришилганидан кейин кенг имкониятга эга бўлди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Биз миллий маънавиятни ҳар номонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади»<sup>2</sup> Чунки айнан маънавият инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир.

«Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»<sup>3</sup>

Ўзбек халқи азалдан бой маданий меросга эга бўлган миллатдир. Қуёш шарқдан чиқади деганидек, халқимиз маданий меросининг моддий, маънавий соҳалари бўйича жаҳон тамаддуни равнақиға ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшганлиги билан ғурурланади. Жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан қомусий асар сифатида талқин этилаётган “Авесто” юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. «Авесто», Шарқ, шубҳасиз, Марказий Осиё халқларининг қадимий маънавият маданият, хусусан, фалсафий қарашларини ўрганиш учун бебаҳо манбаъдир. Бу асар бизга қадимги Марказий Осиё халқларининг илк табиий-илмий тасавурлари, ижтимоий-сиёсий, диний ва фалсафий фикрларининг шаклланишини аниқлаш учун жуда бой манба бўлиб хизмат қилади. Инсоният яратган маънавий бойликлар бисотида донишмандларнинг панд-насихатлари ва ўғитлари алоҳида ўрин эгаллайди. Донишмандларнинг панд-насихатлари умрибоқий маънавий

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т.; Маънавият. 2008.29-б

<sup>3</sup> Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Ш.Қурбонов,Х.Саидов,Р.Аҳлиддинов.Тўлдирилган 2-нашри.- Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклапедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000.-Б.10-11.

бойлик хисобланади. Чунки уларнинг панд-насихати ҳаётдан, ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ва эзгу орзу-ниятни ифодалайди ҳамда умуминсоний моҳият касб этади. Улуғ донишмандларнинг панд-насихатлари, ўғитлари замирида инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари ётади. Диёримизда яратилган таълимий-ахлоқий панд-насихат тарзидаги асарлар бугунги кунда ҳам ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда муҳим қўлланма, таълим-тарбиянинг муҳим омили бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда Мустақил Ўзбекистонимизда ўтмиш маънавий меъросимиз, жаҳон умуминсоний қадриятлар чуқур ўрганилаётган ва тикланаётган бир шароитда тасаввуф фалсафасини ҳам ўрганиш, у эришган ютуқлардан ғоялардан комил инсонни тарбиялашда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тасаввуф таълимоти ўтмишда бутун мусулмон халқлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб бориб, бу халқларнинг илм-фани, маданияти ва адабиёти ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатганлиги бизга маълум. Ана шундай тасаввуф таълимотининг йирик намоёндаларидан бири бўлган Ҳожи Сафои Вали хазратларидир. Ҳожи Сафои Вали Ислом дини ва унинг бирлиги, яхлитлиги учун курашган, тасаввуф таълимотини тарғиб қилишга жонбозлик кўрсатган, тасаввуфчи сардор – қаландар даражасига етган буюк даҳо бўлиб етишди. Ҳожи Сафои Вали хазратлари ўзининг кўпгина ижобий хислатлари билан халққа намуна бўлган ва ўша хислатлари орқали халқни илмли, билимли маънавий маърифатлилика чақирганлар. Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва уламою-ҳукамолари тасаввуф фалсафасидан маънавий озиқланиб унинг инсонпарварлик, ҳақсеварлик, адолатлилиқ ғояларидан руҳланганлар. Биз бугунги кунда тасаввуфни ўрганмай туриб ўзимизнинг ўзлигимизни яъни ўрта асрлар даври тарихимиз ҳақида халқимизнинг маънавий ва ҳаёти ҳақида ўша давр фалсафий ва бадиий тафаккури ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишимиз мумкин эмас. Тасаввуф фалсафасини ўрганиш ва уни эгаллаш ҳозирги кунда бизнинг мустақил Ўзбекистон шароитида биз ўрганаётган фалсафада комил инсон муаммосини тўғри ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Фақат Ватанимиз эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Масалан, ана шундай аجدодларимиздан бири Абу Райҳон Беруний Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим фалсафаси, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган эди. Ҳиндистонда бўлган пайтида у Ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан, қадимги манбаларни ўрганиш учун қадимги Ҳинд тилини билиш лозимлигини англайди. Ҳамда у қадимги Ҳинд тилини ўрганишга киришади ва қисқа фурсатда уни чуқур ўзлаштириб, қадимги Ҳинд маданияти ва фанини асл манбалардан ўргана бошлайди. У, шунингдек, юнон ва рим маданияти ва фанини ўрганиш учун юнон, латин ҳамда қадимги яҳудий тилларини ўзлаштирган эди. Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Фаробий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида камолатга эришган ижтимоий жамоани яратиш, етук, оқил, доно, адолатли раҳбар бўлиш учун зарур бўлган хислатлар ҳақида фикр юритилади.

Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида таълим-тарбия, хулқ-одоб, илм-фан тўғрисида ҳикматли ва ибратомуз фикрлар мавжуд.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида таълим-тарбия ва маънавий камолатнинг йўл-йўриқлари, ахлоқ-одоб хусусидаги фикрлар келтирилган.

Ахмад Юғнакийнинг «Хибат ул-хақойиқ» асарида илмнинг афзаллиги, тил одоби, саховат, хулқ-одоб, заковат ва бошқа ижтимоий масалалар тўғрисида сўз юритилган.

Буюк инсонларнинг умумий тарздаги ибратомуз, маънавий-ахлоқий йўриқнома сифатидаги асарларига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Энг муҳим жиҳати шундаки, буюк аجدодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, уларни чуқур таҳлил қилишди,

тегишли жойларини ривожлантириб, оламшумул кашфиётларни очишди.

Тарихимизнинг буюклиги илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг таратганидандир, демакки, аجدодларимиз бутун дунё маънавиятига катта таъсир ўтказганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Фаробий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларли ҳисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Хоразмий, Мирзо Улукбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги поғоналарга кўтаришди. Исмоил Бухорий, ат Термизий, Мотрудий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавийлар эса ҳадис, калом, фикҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади.

Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этади. Донишманд аجدодларимизнинг барчаси илм-маърифатни улуғлаганлар, инсонни ахлоқли, тарбияли бўлишга ва энг асосийси инсонпарвар ҳамда ватанпарвар бўлишга ундаганлар. Шундай қилиб, жамият тарққиётининг турли босқичларида яратилган тарихий-маданий мерос ўзининг тарихийлиги, миллий ўзлигини англашга қаратилганлиги, тарихий хотирани асраб авайланганлиги ва шу асосда асрлардан асрларга ўтиб яшаб келаётганлиги билан характерланади. Дунё бугун Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарининг умуминсоний ғоялар билан мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маданият соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам кашф этмоқда. Демак, биз миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзлигимизни англашимиз ва маданиятимизни янада юксалтиришимиз учун, аجدодларимиз қолдирган буюк маънавий-маданий меросимизни чуқур англашимиз, уларнинг панд насихатларию уғитларини доимо ёдда тутишимиз билан бирга, уларни асраб авайлашимиз ва келажак авлодга етказишимиз лозим.